



Mustaqil gazeta

ХУРРИЯТ

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

№47 (301) 2002-yil 27-noyabr

"Хуррият" сизники, Сиз ХУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: Яқоабуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.



Муҳокама

ХОРАЗМ МАТБУОТИ: ЭЪТИБОРГА ЭЪТИЁЖ



Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитасида "Ахборот олиш қафолотлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди. Мажлиси қўмита раиси У. Хошимов бошқарди. Унда қўмита аъзолари, республикадаги оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, журналистлар иштирок этдилар.

Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари Б. Исмоилов, Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи У. Исмоилов, Хоразм телерадиоканаллари раиси Н. Аҳмад, "Хоразм ҳақиқати" ва "Хоразмская правда" газеталари Бош муҳаррири Р. Исқандаров вилоятда ОАВнинг аҳоли, қиллинган ижобий ишлар, мавжуд муаммолар ва режалаштирилган тадбирлар хусусида сўзлашди.

Дарҳақиқат, бугун Хоразмда умумий адади 40 минг нусхачи ташкил этилган 27 номдаги газета ва журнал нашр этилмоқда. Улардан 14 таси ҳокимликлар маъмуриятидаги газеталар, 7 та тармоқ газеталари, шунингдек, 2 та



журнал ҳамда нодавлат йўналишидаги 4 та газета мавжуд. Бу нашрларнинг барчаси офсет усулида босилаётгани қувончли ҳол, албатта. Бироқ, таассуфки, кўпгина ҳолларда газеталар мундарижаси торлиги, мақолаларнинг ўқувчиларни етарли даражада жалб этолмаётганини кузатиш мумкин. Улар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқолмаётганлиги, бошқарув тизимлари фаолияти, улар қабул қилган қарорларга танқидий, шу билан бирга ҳолис баҳо бермаслик ҳоллари ҳам учрамоқда.

Бунинг натижасида нашрлар тиражи камайиб бораёпти. Жумладан, 2001 йилда газеталарга обуна 53 минг 818 та бўлса, 2002 йилга келиб улар сони 3416 тага камайди. Ҳатто вилоят ҳокимлиги маъмуриятидаги нашрлар ҳам сезиларли камайиб кетган. Касб-хўнароқ бошқармасининг "Хоразм истиёдо"ди, вилоят солиқ бошқармасининг "Диёнат" каби тармоқ газеталари 5 минг ва 3 минг нусхадан кўп чоп этилаётган бир пайтда ҳокимликлар органлари бўлган "Истиқлол", "Хазораспнома", "Ургач ҳақиқати", "Хива тонги" каби газеталар адади 700-500 нусхага тушиб қолгани тўғрисида ҳокимликнинг маълумоти бўлганлиги ҳақиқат. "Хоразм истиёдо" ва "Хазораспнома" газеталари ҳукумат сиёсатини амалга оширишда кўмаклашди.

Тўғри, Хоразм деҳқончилик учун гоят мураккаб шaroитларга эга. Юрбошимиз бу табарруқ замин деҳқонининг ҳар қуни қаҳрамонлик эканини бежизга таъкидламаганлар. Кейинги йилларда вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хоразмий, Жалолиддин Манғуберди, "Авесто" тўйлари билан боғлиқ ҳавас қилса арзиғудек ишлар қилинди. Аммо қаҳрамонларча меҳнат қилган азиз инсонларнинг матбуоти ҳам тарихи, маданияти ва меҳнатига муносиб бўлмоғи керак.

Қўмита муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

га чиқишини бартафоз этиш, мустақил каналлардан фойдаланиш юзасидан белги-ланган режалар ҳам вази-ятни ўнглаш юзасидан эзгу тадбирлардан. Бу шу ерда яшаб меҳнат қилаётган юрдошларимиз воқифлигини ошириш, ислохотлар жараёнига уларни кенроқ ва оғли равишда жалб этилиши учун гоят зарурдир.

Тўғри, Хоразм деҳқончи-лик учун гоят мураккаб шaroитларга эга. Юрбошимиз бу табарруқ замин деҳқонининг ҳар қуни қаҳрамонлик эканини бежизга таъкидламаганлар. Кейинги йилларда вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хоразмий, Жалолиддин Манғуберди, "Авесто" тўй-лари билан боғлиқ ҳавас қил-са арзиғудек ишлар қилин-ди. Аммо қаҳрамонларча ме-ҳнат қилган азиз инсонлар-нинг матбуоти ҳам тарихи, маданияти ва меҳнатига му-носиб бўлмоғи керак.

Қўмита муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

А. РАҲИМ,
"Хуррият" мухбири

Янгилик

Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғар-маси ва Миллий матбуот маркази ташаббуси билан мамлакатимизда чоп этила-диган етакчи нашрлар Бош муҳаррирларнинг кенга-

УШБУ СОНДА:

- 1. Тўғри сўзга тўқмоқми? ХАТОЛАР ФИЖ-ФИЖ ҚАРОР
- 2. Гёте қай даражада ҳақ? ЁШ ЖУРНАЛИСТ ВА ТАҲРИРИЯТ МУАММОСИ
- 3. «ТАФАККУР»ДА ФИКРЛАР ЗИЁСИ
- 4. Террорчи зомби

БОШ МУҲАРРИРЛАР КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Жамоатчилик асосида фаолият юритувчи бу кен-гаш мамлакатимиздаги ом-мавий ахборот воситаларининг жамиятида демократия ва сўз эркинлигини қарор топтириш, ҳолис танқидий тафаккурни шакллантириш, истиқлол неъматларининг яратувчилари сафини янада кенгайтириш бо-расидаги ҳиссасини кўпай-тириш, газета ва журнал-лар дуч келаётган муаммо-ларини биргаликда ҳал этиш, журналистлар бир-дамлигини мустаҳкамлаш ҳамда журналист одобиға риоя этилишини назорат этиш каби масалаларни ҳал этишда кўмаклашди.

МДЖ ҳамраиси Х. Дўст-муҳамедов ўзаро мулоқот-нинг бу шакли гоҳ расмий, гоҳ норасмий йиғинлар чо-ғида мавжуд муаммолар юзасидан дўстона фикр ал-

Обуна — 2003

«ХУРРИЯТ»НИНГ 6 ЙИЛЛИК «ОШНО»СИМАН

Яқинда "Хуррият"нинг илк сони дунё юзидан кўрғанига олти йил тулади. Бошқа мушаррафларни билмайдими, мен ана шунча йилдан буюн "Хуррият" билан "ошно"-ман, ҳамфикрман.

"Хуррият" мустақиллигимиз йилларида чика бошлаган биринчи ва ҳозирча ягона мустақил газета. Шунданми, унинг бирин-чи сонидан бошлаб бугунги кунга қадар айтар сўзининг салмоғи, залвори ўзгача.

Газета-журналлар сони кун ора ошиб бо-раётган, муштарий эса ўзига маъқул тах-лиқ матбуот нашрини чертиб-чертиб тан-лаш имкони улкан бўлган бир замонда ҳар бир нашрнинг ана шу тахлит айтар сўзи бўлиши, муҳимдир. Имомини қилгани, сеvimли газетамизнинг бу соҳадати кўрсат-кичлари бошқа нашрлар олдида анча баланд.

"Хуррият" мен учун "хобби"га айланган, десам ҳам бўла-ди. Чунки унинг ҳар бир сонини "а"дан "х"гача ўқиб чиқишга ҳаракат қиламан. Ва, албатта, ўзим истаган қониқишини ола-ман. Айниқса, журналист Турсунали Акбаров, ҳуқуқшунослар Ф. Номозов, Х. Олимжоновларнинг ҳар бир чиқишларини интиқлик билан кутаман. Уларнинг ҳуқуқий мавзуда "қоти-риб" ёзишлари ва проффесионал даражада юқори тахлиқ мақоратлари ҳам ҳавас қиламан, ҳам тан бераман.

Ўзидайи яхши нарсаларни бошқача ҳам раво қилиш ҳақи-қатини ҳозирча билмаган кишилар хондонига ҳам қилиб бо-ришига ҳар доим хайрихоҳ бўлганман, шунга интилган-ман. Шу маънода ўтган йиллар мобайнида ўзим билиб-бил-май "Хуррият"нинг ташвиқотчисиға айлиниб қолибман. Жуда кўп дўстлар, ўртоқларим, ҳамкасблар айнаи пайтда мендан "ранг" олиб, "Хуррият"га ошно бўлганликларидан миннат-дор. Бу йилги обуна мавсумида ҳам ўзим билан бирга ишла-ётган кўплай ҳамкасбларим "Хуррият"га обуна бўлишди. Бун-дан ташқари, бошқа муассаса ва ўқув юртиларида фаолият кўрсатаётган "Хуррият"ларастлар" билан боғланиб турибман. Худо хоҳласа, келгуси мавсумда "Хуррият" саҳифаларидан чи-ққан долзарб, "теша тегмаган" мавзудайи материалларни му-ҳокама қилувчи дўстларим, ҳамфикрларим доираси янада кенгайди.

Хуллас, азиз муштарий, гафлатда қолмайин, десангиз, вақтни бой бермай "Хуррият" га обуна бўлинг. "Хуррият" нинг олти йиллик ажралмас "ошноси"сифатида ишонтириб айтаманки, Сиз бу газетани ўқиб ҳузур қиласиз, маънавий завқ оласиз, маширдан мағрибгача бўлган дунё янгиликла-ри, сергалва замона мўъжизаларидан воқиф бўласиз.

Баҳром МУҚИМОВ,
Бойсув туманидаги милади касб-хўнароқ коллеж директор ўринбосари

Таъбир

«Ватанпарвар» мулоқотга чорлади

Давра суҳбати ана шу маъру-занинг маъмурият-моҳиятини ўрганишга бағишланди. Унга "Жамиятдаги барқарорлик — Ўзбекистон янада ривож-ланишига гаровидир" деб ном берилди. Сўзга чиққан-лар фикр ва тақлифларини руй-рост айтдилар, баҳс-му-нозара бўлди. Энг муҳими, давра суҳбати жонли ўтди. Кўплай тақлиф, фикр ва му-лоқозлар жамланди. Прези-дент маърузасида баён этил-ган асосий вазифа ва қонда-ларнинг кенг ёритиш бўйича давлат ва жамоат ташкилот-лариға бир қанча тавсиялар тақлиф этилди.

Энди икки оғиз сўз «Ва-танпарвар»нинг бугуни ҳақида. Ташкилотда, айниқ-са, маънавият ва маърифат соҳасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Таш-килот қошида "Шонли Ватан тарихи" музейи иш бошлади, "Миллий истиқлол мафкура-си университети" ташкил этилди. "Маънавият ва маъ-рифат" хоналари, кутубхона-лар фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда ташкилотнинг 33 та ўқув муассасаси, 2 та автокулоубда ҳарбий хизматга чақирилувчи ўсмирлар 30 га яқин ҳарбий аҳамиятга молик касблар бўйича амалий били-мларни эгаллашмоқда, ҳар-бий мутахассислар тайёрлан-моқда. Ҳар йили армиямиз учун 8 мингга яқин турли касбдаги малякали техник му-тахассислар етиштириб чиқил-пти. Ва бундай далилларни ана истаганча давом эттириш мум-кин. Бир сўз билан айтганда, "Ватанпарвар" ташкилоти бу-гун мамлакат ҳарбий қудра-тини мустаҳкамлаш учун чин-дан-да кўмаклашмоқда.

Мухбиримиз

Конференция

ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўтган ҳафтада "SHODLIK PALACE" меҳмонхонасида "Ўзе-бекистон хотин-қизларининг ўтиш даври тараққийоти ва ижти-моий ислохотлардаги иштироки" мавзусида халқаро конфе-ренция бўлиб ўтди. Конференцияда БМТ Ривожланиш Дас-турининг "Мустахкам даромад манбаи яратиш" лойиҳаси, АКШ Халқаро Тараққийот Агентлиги ва Винрок Интернетгайл то-монидан молиялаштирилган "Хотин-қизларнинг интелектуал-лашган ҳуқуқий саводхонлиги" лойиҳаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Бунда бир қатор халқаро нодавлат ташкилотла-ри, вазириликлар, Солиқ, Божхона, Давлат мулк қўмиталари, Республика Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ҳамда ом-мавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Қобулова сўз олиб, асосий мақсадларидан бири аёлларнинг ижтимоий-иқтисоди-ий аҳолини мустаҳкамлашга қаратилган давлат органлари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлар ўртасида ижтимоий ҳамжihatлиқни ривожлантириш бўйича Резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш эканлигини алоҳида таъкидлади.

Конференция сўзида иштирокчилар ўзларини қизиқтир-ган саволларға жавоб олишди.

Жамшед ТОҒАЕВ,
«Хуррият» мухбири

Маслаҳатли тўй тарқамас...

Абдуқаюм Йўлдош,
"Моҳият" газетаси Бош муҳаррири:

— Аввало, 2-3 йилдан буюн айтаётган ният амалга ошганидан хурсандимиз. Кенгаш фаолияти билан боғлиқ ўйларимиз жуда кўп. Менинг назаримда, бугун газеталар сони урчиб кетган бир шaroитда яхши бир журналистга нисбатан Бош муҳаррир топиш осон бўлиб қолди. Бун-дай шaroитда Бош муҳаррирлар йиғилишиб, ҳақиқий Жур-налистни ҳимоя қилиш билан ҳам шуғуллансалар яхши бўларди...

Зеро, кейинги пайтларда муҳбирларға шубҳаланиб қараш ҳоллари кўчади. Агар бундай муносабатнинг олди олинмаса, оқибати матбуот учун яхшиликка олиб кел-маслиги аён.

Танқид қилинган шахсларнинг юқори идораларға ва-ҳимали хат-телеграммалар жўнатиши ҳам анъаная айла-ниб бормоқда. Бунақанги йвбогарона тўхматлардан ўзи-ни оқлағунча Бош муҳаррирининг она сўти оғизға кела-ди. Ўйлашимча, кенгаш бундай ҳужумларға дучор бўла-ётган тахририятларни ҳам ҳимоя қилишға ҳеч бўлмаган-да уриниб кўриши жоиз.

Шавкат ЗУҒАРОВ олган сурат

Мунозара

ФИКР БИЛДИРСАМ МАЙЛИМИ?

(«Матбуот эпидемия»си «Хуррият», 2002 йил 41-сон)

Ўзим — оддий талабаман. Бўлғуси касбимға бўлган меҳр туфайли матбуотда эълон қилинган мақолаларни кузатиб бораман. Баъзида ту-тилган мулоқозларимни га-зеталарға эълотаман. Сўнгги кунларда ахлоққа зид бўлган, ёшларимиз тарбиясига сал-бий таъсир этувчи айрим ма-қолалар ҳам матбуот юзидан кўрмоқдаки, бу борадаги фикрларимни қозғоға туши-риб, "Хуррият"га элгандим, чоп этилди.

"Матбуот" эпидемия"си мақоласини ёзишдан мақсад, аввало, ўзимнинг ҳолис фик-рини ифода этиш, қолверса, бунга бошқа газетаконлар-нинг ҳам фикрини билиш эди, ҳолис. Таассуфки, "Хо-надон сирлари" тахририяти менинг бу мақоламға қарши қашшатиғ зарба бериш учун ўз газетаси орқали раддия-намо мақолалар эълон қила бошлади...

Уша мақолаларнинг би-рида мени «сувени кўрмай ту-риб, этик ечган»ликда айб-лаб, жумладан, шундай дей-илади: «Жаноб Д. Полвонов "Хонадон сирлари" газетаси-ни арақлаб, ундаги беҳад

«Матбуот эпидемия»си «Хуррият», 2002 йил 41-сон

суратларни кўриб, пардасиз жумлаларни ўқиб, ўзбек мил-лий матбуотида рустдан ҳам "эпидемия" тарқалаётганиға амин бўлибдилар. Амин бўлибдилар-у, лекин бир нарсани унутиб қўйибдилар. Беҳад суратлар деғанда на-шот газеталар босилган ҳамма суратларни назарда тутган бўлсалар? Акс ҳолда айнан қайси сурат беҳаёлигини аниқ кўрсатган бўлардилар...

Ҳа, дарҳақиқат, мен «су-ратларнинг беҳад ёки ҳаёлий даражасини ўлчо-вчи ёки белгиласан мута-хассис» эмасман. Яхшиси, бу ваколатни газетакон бе-райлик — ўзи ҳал этсин...

(Бу ерда «Хонадон сирлари» да эълон қилинган эротик су-ратлар берилмиш лозим эди. Ахлоқ нуқтан назаридан биз буни ўзиниға муносиб кўрма-дик. Маломатта қолмаслик учун юқорида назарда тутилган суратлар газетанинг 11.12.14.17 ва 20-сонларида чоп этилгани-ни таъкидлаш билан чеклана-миз.) («Хуррият» тахририяти)

«Матбуот эпидемия»си «Хуррият», 2002 йил 41-сон

«пешонаси тиришган»ларни ўзингиз санаб олаверасиз:

«Бешиччи қонда»: эркак ҳар доим хоҳлади. Аёллар-да шахвоний ҳиссийetni кўзгалити минструация (ой кўриш) циклиға боғлиқ. Баъ-зида аёл жуда ҳам хоҳлай-ди, баъзида эса унга факат эркаклар керак бўлади, хо-лос. Бу билан улар ҳар доим хоҳловчи эркаклардан фарқ қилдилар. Эркак баъзан уд-дасидан чикмас-да, хоҳлай-ди» (2002 йил 11-сон).

Бошқаларни билмадим-у, лекин юқоридаги «маслаҳат» ўз хонадони сирларини кўчаға ташини, ўз жуфтин-нинг жинсий фаолиятини шунга ўқшаб нарсаларга сузлайвериши ўзига ор, но-мус деб билган ҳар қандай эркак аёлға нисбатан ҳур-матсизлик ва ҳақоратдек ту-юлади. Грей айтган «аёл» ва «эркак»лар орасида ана шун-дай ориятли кишиларнинг онаси, синглиси, отаси ва ака-укалари ҳам борлигини бир кўр ёдға олинг, ахир!..

Тўғри, қуруқ қошиқ оғиз йиртади. Яна шу нарса ҳам тўғрики, мақолани ёзишдан аввал ҳеч қандай тадиқот ўта-зилмаган. Бироқ, бу ўринда Сиз таъкидла-ган мутахассис до-ктор Грейнинг бешич-чи маслаҳатини тўла-лиғича келтирсак,

(Давоми 2-бетда)

Луқма

САБОҚ

Хурматли Юлдузхон Очи-лова!

«Ешлар» телеканалда сиз олиб бораётган қўрсатувлар-ни диққат билан томоша қиламан. Ақлингиз, зеҳин-гиз, нотиклик қобилиятингиз менға маъқул келади. Яқин-да «Санам» журналининг ет-тинчи сонидайи тақвимида сузратингизни кўриб, бир су-қонган эдим. «Санам» жур-налининг август сонида муқо-вада чоп этилган чиройли су-зратингиз ва сиз билан қилин-ган «Самимийлик нуқтаси» суҳбатини ўқиб, яна бир қар-ра хурсанд бўлган эдим. Кўни кеча «Давр» интервью»да Сиз-нинг «Санам» журналининг бош муҳаррири Муборак Ту-ропова билан олиб борган сузратингизни мен ҳам тинг-ладим. Суҳбатини сизға айтиб қўя-миш, жониз деб билдим ва ўз суҳбатингиздаги кўндалди сузларингизни ўзингизға эс-латмоқчиман: «Кеча қатого айл қуйган бўлсам, эртанги кунга сабоқдир». Сизға ҳур-мат-билан ижодий ютуқлар тилаб,

Олдун ХОЖИЕВА, «Саодат» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси

Учрашув

ЁШ ЖУРНАЛИСТ ВА ТАХРИРИЯТ

Журналистика факультети талабалари ҳақида сўз борганида "булғуси журналистлар" истилоҳи кўп тилга олинди...

ришни олиб борганимда жуда яхши қарши олишган, керакли маълумотларни янама...

Жамшид САЪДИНОВ:

— Талаба кўлида бўлади, тахририятга қатнайдими, — унинг қобилияти биринчи навбатда ёзиши ва изланиши билан белгиланади...

Шерзод БУРХОНОВ:

— Ташқи цензуранинг йўқолиши гапиримиз-у, ички цензуранинг қийин барҳам топаётгани ҳақида кўпда уйлавермаймиз...

Динора ДЎЛТАЕВА:

— Менинг фикримча, факультетда ўқиш ва тажриба орттириш учун барча шароит етарли...

Мадамин ОТАХОНОВ:

— Назаримда, кейинги пайтда газеталаримизда янги жанр — кроссворд, сканворд жанрлари пайдо бўлди...

Азиз ОТАХОНОВ:

— Шунча Бош муҳаррирлар факультетимизга келиб, тахририятга келинган, деб турганим экан...

Зебо НАМОЗОВА:

— Нега тизорқ журналист бўла олмаганим, деган саволни биз талабалар энг аввало ўзимизга беришимиз керак...

Норали ОЧИЛОВ

— Ёш журналистларнинг ҳақиқатан ҳам журналист бўлишига қарамай, уларнинг асосий қисми журналист бўлишни хоҳламайди...

Муносабат

Миллатим ўзбек, она тилимдан ташқари рус, турк ва инглиз тилларини билан. Бироз форча сазлаша олам...

Ўзбекистонда бўлаётган ҳодисалар қурраи заминда ягона деб бўлмайди. Худди шунга ўхшаш ҳолат мустақилликка эришган мамлакатларда ҳам кузатилади...

лиф асосида вужудга келади. 1996 йили миллий валютотани эркин конвертация қилиш бекор қилингандан кейин уй-жойларнинг нархи пасая бошлади...

БОШҚА ТИЛНИ БИЛМАГАН КИШИ..

ёки Гёте қай даражада ҳақ?

риятларга бепасанд бўлганлар. Шунинг учун улар халқнинг мустақиллик уюми қурашни қўллаб-қувватламайди...

бошқа ҳудудлардан келганлар ва чет элликлар пойтахтда уй-жой сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас...

Ўзбекистон иқтисодийотида катта муаммолар пайдо бўлди. "Ўзбек элитаси"га қирадиган қўнғил халигача давлат тилини қураганини истамайдиган...

тилида тақорлаб берибди! Ана энди асосий масалага келдик — ўша ҳодим лотин ёзувига асосланган ўзбек тилига тўлақ ўтиладиган 2005 йилнинг 1 сентябригача давлат тилини ўргатишни олдираси бундай олд-сотди шартномасини расмийлаштирмайди...

Ҳуқуқ

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

2002 йилнинг 20 ноябр кунин Республика Бош прокуратурасида Вазирил Маҳкамаси ҳузурида воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди...

моий ўсмирлар билан олиб борилаётган оғохлантурув тадбирлари, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, тарбияси оғир ва ўзлаштири олмайдиган ўқувчиларни тўғаракларга жалб қилиш ва ҳуқуқий таълим аҳоли ҳақида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги ота-онаси қолган давлат ва жамаот

Сана

Орттирилган иммунитет тақислиги синдроми (ОИТС) ёки русча СПИД) нима — тиббий муаммоми ёки ижтимоий муаммо? Жамиятни бу иллатдан қутқариш учун нималар қилмоқ лозим?

ёрдамига муҳтож, воёга етмаганларни муҳофаза қилиш, уларни мактабдан ташқари муассасаларга жалб қилиш, васийлик ва ҳомилий органлари фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши аҳоли муҳокама қилинди...

МАТБУОТ ҲАМ МАСЪУЛ

1 декабрь Жаҳон ОИТСга қарши кураш кунин



Қўшма маълумотларни тақислаш ва тақислаш бўлиб ўтди. Ушбу масалага бағишланган семинар-тренинг ўтган ҳафта Журналистларни қайта тайёрлаш марказида бўлиб ўтди...

масдан, уларни бу ҳолга олиб келган омилларни тақислаш этиш зарур. Хозир бугун дунёда ОИТС тиббий муаммо эмас, балки сийвий ва ижтимоий муаммо сифатида тан олинган...

жорий йилнинг 1 октябрга-га мамлакатимизда 1748 нафар одам ОИТВ билан касалланган. Уларнинг 60 фоиздан ортиқроғини томир орқали наркотик модда олувчилар ташкил этади...

ОИТВ/ОИТС бўйича қўшма дастурининг тақисли бўйича "Ўзбекистон Республикасида ОИТВ/ОИТСга қарши курашнинг стратегик дастури" тайёрланган. Унда оммавий ахборот воситаларига алоҳида ўрин берилган...


Ҳуқуқ

Топшулар РАҲМАТУЛЛАЕВ

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ

PS: Шунинг кеча Москвада нашр этиладиган "Культура" газетасида танлиқ киносценарий Юсуф Розиков билан суҳбат берилди. Унда санъат арбоби Москвада 15 йил ишлаб, она тилидан кўра рус тилида яхши гапиргани ҳақида Россияда рус бўлмаслигини, Тошкентда эса ҳеч қим ўзбек сифатида қабул қилмаслигини баён қилди. Ойласида асосан рус тилида гапирганини баён қилди. Рус сифатида таълим оладиган ўли нима ва инглиз тилларини ўрганишда. Ота ўлини ўзбекча ўрганишига мажбур қилмас экан.

✓ **Тақдирот**



УЯТ БУЛАДИ

... Сўнгги йилларда уят хисси фақатгина ахлоқий тушунча эмаслигига бот-бот амин бўлмакдям. Назаримда, бу сўзининг моҳияти хиралашиб, умуман, шу туйғунинг ўзи сусайиб, гоҳида аҳамияти тамоман йўқолиб ҳам кетаётгандек туюлади. Буларча, кечягина айб саналган унча-мунча қилмишларга бугун фазилат деб қаралмасдан, ҳарқалай, одатдаги бир ҳол сифатига бепарво муносабат қилинаётганига нима дейсиз?...

«ТАФАККУР»ДА ФИКРЛАР ЗИЁСИ

Барчамиз учун сеvimли бўлган «Тафаккур» журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Биз унда чоп этилган мақолаларни номна-ном санашдан кўра, дахлдорлик ҳис этишимиз учун уларнинг айримларидан мўъжиз парчалар эълон қилишни маъқул кўрдик. Ишончимиз комилки, ушбу иқтибослар бепарқ қолдирмай, Сизда журналининг ушбу сони-ни ҳам топиб ўқиб истиғини пайдо қилади. Зеро, шаффоф қатрада кўёш акси бор...

ХАР ЕРДА ҲОЗИРУ НОЗИР

«Биروقрат қайси мамлакат ёки минтақада бўлмасин, ҳаммиси бир хил қиёфада намоён бўлади: идоравий манфаатларни, қонун-қонидани рўқча қилиб, тараққиётга гов бўлади, ўзи зимдан қонунни бузиб яшайди. Шарқ маърифатпарварларидан Жалол Али Аҳмад биروقратни ўзигини, миллийлигини йўқотган, «ғарбийлик» касалига мубтало бўлган киши сиймосида кўради. «Бундай киши, — деб ёзади у, — миллиятнинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти, келажаги ҳақида ҳатто, тушунчага ҳам эга эмас. У кўпинча «зиёли» раҳбар, у тулкин устидаги ҳасдек беқарор. Оёғини қўйиб таянадиган ери йўқ. Шу сабабли воқеалар шамолли қаёққа араб эсса, у ҳам шунга мос равишда ўзгариб туради. Унда муस्ताқил фикрнинг ўзи йўқдек...»

ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

... Ницше инсониятнинг атдан ташқари барча нарсасига бепарқ, масжидда ҳам, кинотеатрда ҳам, партия йўғилишида ҳам худди футбол ўйинининг кузатувчисига ўхшайди... Уни мактаб, масжид, касалхона муаммолари эмас, аввало, уйдаги электрли кир ювиш машинаси ускуналарининг яхши ишлаши қизиқтиради. У ўзининг Бандари Аббосдаги ҳамқишлоқларининг урф-одатлари ҳақида ҳеч нарса билмайди. Аммо сизга Буюк Британия Лейбористлар партияси ўнг қанотида бўлиб ўтган сезилар-сезилмас ўзгаришларни қойилмақом қилиб айтиб бера олади...»

КИЁМАТГАЧА ТИРИК ПАЙГАМБАР

Азроил Илёс пайгамбарнинг жонини олгани келганда у қаттиқ фарёд солиб йиғлабди. Азроил унга: «Эй Илёс, сен Тангрининг олдига боргансан-ку, нега йиғлайдсан?» дебди. Унга жавобан Илёс дебди: «Мен тоат-ибодатдан мақрум қоламан, деб йиғлайдман». Оллоҳга: «Илёс деган пайгамбар ўз жони учун эмас, тоат учун йиғламоқда», деб хабар қилибдилар. Шунда Азроилга шундай аям бўлибди: «Унинг жонини олма, биз унга узок умр тоат қилдик». Шундай қилиб, Илёс пайгамбар то киёматгача тирик қолибди. Ривоятларда айтилишича, у саҳроларда йўлдан адашганларга йўл кўрсатиб юрар экан...

ҚАДРИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

... Ницше инсониятнинг энг асосий қадриятларидан бири бўлиши ахлоқ моҳиятан ахлоқсизлик экани ҳақида сўз юритган. Унинг бу борадаги хулосалари маълум маънода ўринли ва асослидир. Ҳақиқатан ҳам, ахлоқ ахлоқсизлик билан, аввало, уйдаги электрли кир ювиш машинаси ускуналарининг яхши ишлаши қизиқтиради. У ўзининг Бандари Аббосдаги ҳамқишлоқларининг урф-одатлари ҳақида ҳеч нарса билмайди. Аммо сизга Буюк Британия Лейбористлар партияси ўнг қанотида бўлиб ўтган сезилар-сезилмас ўзгаришларни қойилмақом қилиб айтиб бера олади...»

✓ **Ёднома**

Мехрибон, меҳнаткаш падари бузрукворим. Рўҳингизни шод этиш, фарзандлик бурчимни андак бўлса-да оқлаш ниятида бузуи бир қалима тиловат ўқиб, гоҳибона Сиз билан суҳбатимизга, эрка қизингиз сифатида меҳрингиздан қонган дамларимни қайта эслашга аҳд қилдим.

ДОИМО ҚАЛБИМДАСИЗ

дингиз. Яна, инсон фақат ўзи учун эмас, бошқалар учун ҳам яшайди, улардан яхшиликни аямаслиги лозим, деб ўқитар эдингиз. Ҳозир ўзим ҳам ўғилларим Бунёд, Нодир ва қизим Қамоллага шу хислатларни сингдиришга ҳаракат қилгандим. Мунис ономанинг набираларини йиғиб олиб Сиз ҳақингизда сўзлаб берилганини яхши кўрадилар. Биласизми, Тиббиёт олийгоҳини тугатган, «Узбекистон ҳаво йўллари» авиаконаняси бошқармасида саноат ва транспорт санитариясида шифокор бўлиб ишлаган вақтингиздаги айрим ҳодисаларни, уларни енгишдаги масъулиятингизни айтиб берган эдингиз. Сизга Тошкент давлат Тиббиёт олийгоҳи Биофизика муаммолари лабораториясида кичик илмий ходим лавозимда ишлаган чоғингизда ҳам осон бўлмагани ҳамон ёдимда.

ДОИМО ҚАЛБИМДАСИЗ

лини осон қилардингиз, ҳовли ишларини қилишга ҳам вақт толардингиз. Уй жиҳозларини, электр асбобларини тугатишни, даракларни парваришлашни — ҳамма-ҳаммаси қўлингиздан келарди. Хатто АТВ (сув иситган машина) бўлибди, унингиз совиб қолганда ўзингиз қелиб тузатиб берганингизни хали-хали эслайдман. Гоҳ-гоҳда ҳовлида иш қилаётганингизда бирон бир бемор келса, дарров жомакорни ечиб, халат кийиб олардингиз. Мунис ономанинг эса келганларга қўрқана солиб, дастурхон ёзишдан чарчамасдилар. Билар ҳам дарров олиб-югуриб қоларди. Биларни ҳам шунга — ким бўлишдан қатъий назар журматини ўрнига қўйишга ўргатардингиз. Бугун фарзандларимга ўша ўғилларингизни қайта-қайта сўзлайман. Шифокор ҳолисиз қилиши лозим, таъмагирлик қилмаслиги керак, дердингиз. Энди ўйласам, ўша пайтда бу борада барчага ўрнак экансиз. Ҳа, Сиз илм борадаси ҳам, оила, дўсту ёр, қариндош-уруғ борадаси ҳам ўзингиздаги аждоғий фазилатлар билан ибрат эдингиз, менинг фарзандларимга, айниқса, менга меҳри беқийёс, бетақдор бўлган отаганим.

✓ **Фарз**

Куйида немисларнинг дунё машҳур «Р.М.» журнали томонидан нашр этилган ва Фарб дунёсида шов-шувларга сабаб бўлган «Рўза ҳақида малумот» мақоласи эътиборингизга тақдим қилинади.

бориб тақалади ва бутун тирик жон-задаларда умумий зуосунат тарзида намоён бўлади. Рўза тутиш ҳар йили ҳафта ва ойлар давомида табиатдаги бир қанча тирик мавжудотнинг ҳаётида кузатилади. Рўза тутиш қобилияти бўлмаган мавжудотларнинг яшаб кетиши мумкин эмас. Бугунги кунда кўпгина ривожланган мамлакатлар мўл-қўчликлари яшаётган

хингёр (1882-1970) «Шифоли рўза» китобида шажан ўзининг касаллиги тўғрисида рўза тутган киши қилиб қўлади. Бунинг немиш рўза мўтахассисларининг энг тажрибалии хисобланган Густав Ридлинг назоратида рўза тутган ва тез орада батомом эътиборини тиклаб олгандир.

ди. Ошқозон кислотаси эса оч қолишга сабаб бўлади. Шунинг учун рўзадор киши очликни хис қилмайди. Аксинча, бошқаси жуда оғир очлик билан юзма-юз келади.

«М.ХУДОЙҚУЛОВнинг «Эгуликка чорловчи ривоятлар» мақоласидан».

РўЗАДАСИЗ

тиллар. Бирок бу тарзда яшашга ўрганганликлар учун ҳам ҳеч қандай қийинчиликка чидай олмайдилар. Бу мамлакатларда ортиқча ейишдан қелиб чиқатган турли хасталиклар табиий офат каби қўпайиб, тез тарқалмоқда. «Диний байрамларнинг маънавий ҳавосини хис этиш учун рўза тутиш билан тайёрланиш керак», дейди муниҳлик психолог Юрген Фон Шайд. У ўз фикрини шундай давом эттиради: «Рўзага ҳаётимизда кам эътибор берилса, рўза ичидида яширин қийматлар ҳам йўқ бўлади. Бошқача айтганда, инсон моддият билан машғул бўлган сайин маънавиятдан уздорлашиб кетади».

қотларини қуйидаги жумла билан хулосалайди: «Қон босими каби баъзи бир касалликлардан ташқари ҳар қандай касалликка рўзанинг фойдаси тегади ҳамда батомом тузатиб юборилади. Рўза тиг ишлатмасдан олиб бориладиган операциядир». Мен рўза тутиш натижасида эҳв ва руҳида куйидаги жараёнларга гувоҳ бўлдим:

қилишга мумкин эканлигини психотерапия йўли билан даволаш мумкин».

қилишга мумкин эканлигини психотерапия йўли билан даволаш мумкин».

✓ **Назм**

Лабилаш-ул-қадф
Гул кўнгида
Кетмакчи тўзим,
Надсизги эмис
Хал тўғоси надири,
Уи икки ой
Тўрт бунди кўзим,
Бир йил кутдим
Лайлат-ул-қадр,
Қайта яси тўғлади олам,
Умришни оқ дўсага қайдим,
Эрта сари уйдим қайган,
Хар қўнмакча шўқрона айтиб,
Шул фажрда
Хал бўлиши умрим,
Артилайдир айў губорани,
Зулжамолдан
Бир ҳаёт сўрдим,
Кўрғун пешонадан бориш...
Кўрдим, учиб
Бораркан эркам,
Жон кўрмаган мовий ойғор,
Айтур: бир кун у ёқдан
Келдим,
Кетгун яна Парвардигор!
Аъям ОБИДОВ

✓ **Ажабо!**

Бу киши билан илк бор суҳбатлашганимда рус адаби А. Беляевнинг «Жаҳонгир» номили романи воқеалари кўз олдимда намоён бўла бошлади. Асарда бош қахрамон ўзидан биоэнергетик нур таратувчи ускуна яратди ва бунинг натижасида бутун шаҳарни остиун-устиун қилиб юборди: кўчаларда автохалокатлар туғайлар ҳаракат тўхтаган, одамлар қарақт аҳволда — кимдир хандон отиб қулади, яна кимдир уввос солиб йиғлайди... Бахтиёр Умаров: 1947 йилда туғилган. Москва Энергетика институтининг Электр тизимлари кибернетикаси бўлимини тамомлаган. Кейинги пайтда мустақил равишда биоэнергетик нурлар бўйича илмий изланишлар олиб боради. Айтишларича, Бахтиёр ака москвалик нобёв хислатли одам билан бевосита мулоқот қилишлари мумкин экан...

Террорчи зомби

лион инсон ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қиларкан ва бир миллион одам бунан уйддалар экан. — Айтмоқчисизки... — Ҳа, буларда кимларнингдир қўли бор, деган фикр ҳам йўқ эмас. Яъни, ўзидан қўли биоэнергетик нурлар тарката оладиган одамлар қўчликлка салбий таъсир ўтказаяпти. Бир кишини иккинчи кишига, бутун бир давлатни иккинчи бир давлатга қарши қўйиб ёки бўлмаса одамларни умумий ваҳимага солиб, роҳатланишдаи ундайлар. Бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири ана шундай хасталарга қарши курашиш ва тинч аҳолида салбий нурлардан ҳимоя қатлами вужудга келтириш, деб ўйлайман. Менимча, бу бошқа муаммолардан кўра тезроқ ўз ечимини топиши керак. — Демак, бундай нобёв хислатга эга бўлган шахс ҳар қандай ашадий жиноятчидан ҳам хавфли, шундайми? — Ҳўп, майли. Айтинчи, экстрасенсик касбми ёки... Нима десам экан... хунарми? — Бунга кўпроқ фан нуқтаи назаридан қаралиб келинган. Шунинг учун уни касб деб аташ тўғрирок бўлса керак. Мана, бизда ҳам экстрасенслар жамяти мажуд.

✓ **Ёднома**

— Сир бўлмаса, айта оласизми, жамятнинг нечта аъзоси бор? — Узбекистон бўйича мингдан ортиқ киши бу билан шуғулланади. Жамятга эса буларнинг 440 нафари аъзо хисобланади. Жамят раиси Тоҳиржон Солиев бошчилигида аъзоликка қабул қилинганлар билан мунтазам равишда ахборот алмашиб тураемиз. — Ахборотни қандай тарзда алмашасизлар? — Албатта, телефон, факс орқали ёки озаки суҳбат билан... яна... — Бўлди, тушундим! Сўнги саволим: мисол учун, сиз тарқатаятган нурларни мен қандай қабул қиламан? — Биласизми, инсонда шундай махсус нуқталар борки, улардан қираётган ёки чиқатган ҳар қандай ахборот орқали инсон танасидаги ўзгаришлар (касаллик, ҳиссийат — Д. Б.) ни аник ва равшан ўқиш мумкин бўлади. — Демакки, менда ҳам ушундай нуқталар бор экан-да! — Худди шундай. — Раҳмат, ҳозирча етарли. Ташаккур сизга. — Саломат бўлинг. Далахон БОСИТ суҳбатлагачи

Mustaqil gazeta
HURRIYAT
Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жағфармаси

Бош муҳаррир	Амиркул ҚАРИМОВ
Тахрир хайяти:	Турсунали АКБАРОВ (махсус муҳбир), Урушд ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Наим ҚАРИМОВ, Исмаи ХУДОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.	
Тахририят манзили:	Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.
Индекс:	Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	
Набатчи муҳаррир:	Отабек ОРТИҚОВ
Адади:	2627
Топшириш вақти —	21.00
Топшириш —	20.00
Бюроми —	Г — 1071
Тахририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.	
Hurriyat kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.	